

5. Filatov S. Sudan: ostriye pristupi «nezavisimosti». Sayt «Mejdunarodnaya jizn», 28.05.2012. URL <http://interaffairs.ru/read.php?item=8496>

6. Xasanboev O'. O'zbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar, mafkuraviy kurashning dolzarb yo'nalishlari. – T.: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi. – T.: 2014. – B.113.

7. Bozorov O. Bugungi kunning eng dolzarb vazifasi. Tinchlik – bebaho ne'mat. Tinchlik va osoyishtalik – oliy ne'mat. /mas'ul muharrir Shayx Abdulaziz Mansur; O'zbekiston musulmonlari idorasi; Milliy g'oya va mafkura ilmiy-amaliy markazi. – Toshkent: «Movarounnahr», 2013. – B. 86.

8. Karimov I. O'zbek halqi hech qachon, hech kimga qaram bo'lmaydi. 13-jild, – Toshkent: O'zbekiston, 2005. – B. 393.

9. Xasanboev O'. O'zbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar, mafkuraviy kurashning dolzarb yo'nalishlari. – T.: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi. 2014. – B. 111.

10. «Azbuqa prepodavaniya prav cheloveka» (podgotovlena OON v kachestve sredstva obrazovaniya v oblasti prav cheloveka. – http://www.un.org/russian/hr/abc/ch3_12.html.

11. Karimov I.A. Xavfsizlik va barqaror taraqqiyot yo'lida. 6-jild. – T.: O'zbekiston. 1998. – B 61.

12. Richard Djon Neyxauz. Biznes i Yevangelie. – http://www.krotov.info/libr_min/n/neretina/neuh_02.html.

13. Nazarov A.N. Globallashuv sharoitida barqaror siyosiy taraqqiyot xavfsizligini ta'minlash muammolari. O'zMU xabarlari. №1/1 2016 yil. – B 39.

14. Millatlararo do'stlik va hamjihatlik – xalqimiz tinchligi va farovonligining muhim omilidir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etilganining 25 yilligiga bag'ishlangan uchrashuvdagi nutqi. <http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>



Lobar ASROROVA,

*International Islamic Academy of Uzbekistan,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.*

ҚАДИМГИ ХАТ ТУРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ДРЕВНИХ ВИДОВ ПИСЬМЕННОСТЕЙ

COMPARATIVE ANALYSIS OF ANCIENT TYPES OF WRITINGS

Калит сўзлар: хат, моддий ёдгорлик, ёзув, мих хат, оромий, логография, силлабография, фонография, сўд ёзуви, уйгур ёзуви, араб графикаси, иероглиф, графема, аллограф, тамил ёзуви.

Ключевые слова: письмо, материальный памятник, письменность, клинопись, арамейский язык, логография, силлабография, фонография, согдийская письменность, уйгурская письменность, арабская графика, иероглифы, графема, аллограф, тамильская письменность.

Key words: letter, material monument, writing, cuneiform, orthography, logography, syllabography, phonography, Sogd writing, Uighur writing, Arabic graphics, hieroglyph, graphema, allograph, Tamil writing.

Маълумки, кишилиқ жамияти тарихи қарийб 40 минг йиллик даврни ўз ичига олади, лекин ёзув пайдо бўлганига эса кўп вақт ўтгани йўқ. Илк тарихнинг айрим лавҳалари ўтмишдан қолган ва инсоннинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бўлган моддий ёдгорликларда, аниқроғи, уларнинг бизгача қолдиқлари етиб келган. Моддий ёдгорликларни ўрганишда маънавий ёдгорликлар туркумига кирувчи қадимги ёзувларнинг аҳамияти катта.

Қадимги Олд Осиё ва Миср, Жанубий Европа, Греция ва Италия давлатлари инсоният маданияти ривожига шунингдек, ёзув тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнади. Икки дарё оралиғининг жануби, Дажла ва Фрот бўйида эрамиздан аввалги IV ва III минг йилликларда инсониятнинг қадимий маданият ўчоғларидан бири ривожлана бошлади. Бу даврда ёзувнинг ҳам тараққий этганини кузатиш мумкин. Месопотамияда вужудга келган ёзувни – клинопись (нем. Keilschrift, англ. cuneiform writing, франц. *écriture cuneiforme*¹), яъни «мих хат» деб аташ бошладилар. Бу хат тури кўринишидан Миср расм-

¹ Лот. Cuneus – клин, пона, forma – намуна, образ, вид. Бу сўз-ни илк бор XVII асрнинг охирида Оксфорд профессори Томас Хайда тилга олади. Шарқда бу ёзув тури «Мих хат» деб аталади.

Мақолада инсоният тарихининг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бўлган моддий ёдгорликларидан бири ёзув турлари ҳақида сўз боради. Унда ҳозирда амалда бўлган ҳамда ўзи ифодалаган тил билан биргаликда ўлик ёзувга айланган ёзувларни қўшиб ҳисоблаганда инсоният учта ёзув типидан фойдаланаётгани, улар: логография, силлабография ва фонографиялар атрофлича ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси фондида сақланаётган №50 рақамли китобдаги қадимги хат турлари ҳақида сўз боради. XX аср бошларида кўчирилган мазкур асар Маҳмуд Ғаззаний томонидан тарқим қилинган, яъни тузиб чиқилган. Асардан қадимги ёзув турларидан тортиб, ўрта аср ёзувлари, ҳатто уларнинг тараққий этган шакллари кўрсатилган 60 дан ортиқ хат турлари алифбоси ўрин олган. Жумладан, Одам (а.с.) давридаги «Сарбони» ёзуви (Эрамиздан авв. 3760 йил), Шис (а.с.) давридаги «Сулёний», «Салбобий» (эрамиздан авв. 3670 йил) каби кўплаб пайгамбарлар алифболари, геокосмографик асарларда учрайдиган турли хил ёзув турлари, аниқ фанлардан кимё фанида қўлланиладиган махсус ёзув турларидан – «Баклатил», «Симёи сағир», «Симё ва кимё» каби хат турлари бор. Ушбу хат турларида учрайдиган ҳарфлар бошқа кўплаб қадимги ёзув турлари билан қиёсланган ҳамда дунёнинг турли ерларидан топишган қадимги битиклар билан солиштирилган.

Статья посвящена одному из видов материальных памятников, связанных с общественной деятельностью человеческой истории - видам письменности. На сегодняшний день человечество пользуется тремя типами письменности, включая те, которые используются в настоящее время и которые являются мёртвой письменностью: логография, силлабография и фонография, которые освещаются в работе. В статье также упоминаются древние буквы из книги № 50, которая хранится в Фонде источников Международной исламской академии Узбекистана. Эта книга, переписанная в начале 20-го века, была составлена Махмудом Газзаний. Работа включает в себя алфавит из более чем 60 типов букв, начиная от древних писем до средневековых писем, вплоть до их развитых форм. В частности, письменность «сарбони» со времен Адама (м.е.) (3760 г. до н.э.), многие пророческие алфавиты со времен Шис (м.е.) такие как «сулёний», «салбобий» (361 г. до н.), виды письменности, встречающиеся в геокосмографических работах, различные типы работ, такие как «Баклатил», «Симйои сагир», «Симйо и химия», в частности, использованные в области химических наук. Буквы в этих письмах соответствуют многим другим древним письмам и сравниваются с древними писаниями, найденными по всему миру.

Resume. In this article, types of inscriptions are discussed as they are one of the material monuments associated with the social activities throughout the history of mankind. In this article, three types of writing humanity is using - logography, syllabography and phonographs are comprehensively illuminated; types of writings include not only writings that are currently in use, expressing a language, but also writings that have become long dead. In addition, the article talks about the ancient types of writing described in the book #50 stored in the fund of the Treasury of Resources of the International Islamic Academy of Uzbekistan. This work, which was copied at the beginning of the XX century, was compiled by Mahmud Gazzani. In this book, from ancient types of writing to medieval inscriptions including 60 different writing types of their developed forms are discussed. There are many types of letters, such as the alphabets of the prophets, inscription «Sarboni» of Adam (PBUH) (3760 years BC), «Sulyoniy», «Salbabi» writings from the period of Shis (PBUH) (3760 BC), different types of writing encountered in geo-cosmographic works, from specific subjects to specific types of writing used in chemistry – «Baklatil», «Simyoi sagir», «Simyo and chemistry». The letters encountered in these types of writing were compared with many other types of ancient writings, as well as with ancient inscriptions found in different parts of the world.

ли ёзувларидан тубдан фарқ қилар эди. Шунингдек, Яқин Шарқда сомий ҳарфлардан иборат ёзув бошида ундош кейинчалик унли ҳарфлардан иборат ёзув вужудга келди. Мазкур хат турлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирда амалда бўлган ҳамда ўзи ифодалаган тил билан биргаликда ўлик ёзувга айланган ёзувларни қўшиб ҳисоблаганда инсоният учта ёзув типидан фойдаланиб келмоқда:

1. **Логография** (идеография, пиктография): «расмда, белгида сўзни, фикрни ифодалаш»;

2. **Силлабография** (бўгинли ёзув): «ҳарфда бўгинни ифодалаш»;

3. **Фонография** (товуш-ҳарфли ёзув): «ҳарфда товушни ифодалаш» [4].

Логографик ёзувда бир расм (белги)нинг бир сўзга тенг бўлиши бу ёзувнинг халқ орасида кенг оммалашувини қийинлаштиради, мазкур ёзув типидан фақат кенг оммага яқиндан таниш бўлган тушунчалар ифодаланиши мумкин. Жумладан, Қадимги Мисрда ушбу ёзувда халқ учун таниш лавҳалар (масалан, яқинда вафот этган фиръавннинг ҳаёти) битилган. Айнан Қадимги Миср иероглифиясининг халқона услуби қадимги ва бугунги сомий ёзувлар (араб ва яҳудий ёзувлари)нинг шаклланишига асос бўлган [10].

Мазкур ёзув шакли фақат тарихнинг маълум бир босқичида фойдаланишга яроқли ҳамда унинг у ёки бу тил типига мосланганлиги ҳақида гапириш қийин. Иероглифлар қарийб барча халқларнинг тарихида учрагани маълум. Идеографик ёзувнинг ушбу хусусиятлари туфайли ёзувнинг такомиллашиш жараёни билан мос равишда эскириб, истеъмодан чиқа борган. Тарихда идеографик ёзувнинг бошқа ёзув билан алмаштирилгани хусусида маълумотлар йўқ. Ушбу ёзув маълум тарихий босқичнинг маҳсули ва алоқа воситаси бўлиб, у кейинги даврнинг алоқа жараёнларига мос келмаганлиги туфайли ўтмиш мулкига айланган.

Логографик ёзув намуналари: Миср иероглифлари, Япон иероглифлари (Ниҳонго), нушу, Хитой, Журчен, Мая, Тангут, Кидан, Накси иероглифлари ва бошқалар.

Силлабография ҳарфнинг товуш бирикмаси – бўғинни ифодалаши билан бошқа ёзув турларидан фарқ қилади ҳамда бир ҳарфнинг бир неча товушни ифодалаши ҳарфга илова қилинган шартли белгилар орқали ўша бўғиннинг бошқа товушларини ифода ва идрок қилиш усуллариининг бу ёзувдан жой олишини тақозо этади. Силлабографик тизимда кўпинча ёзувда ундошлар акс эттирилади. Унлилар ундошларнинг характериға, тилнинг бўғин тузилишиға кўра хат усти, хат ости белгилари, асосий ҳарф билан ёрдамчи ҳарф ўртасидаги қўшимча белгилар каби воситалар ёрдамида ифодаланади. Бу ёзув тизими ҳозирда ҳам фаол бўлиб, Хитой ва Япон ёзувлари, араб графикаси ва бошқалар силлабик ёзувнинг яққол намунасидир.

Силлабик ёзув намуналари: араб, гуҷарат, кхмер, тибет, эфиоп, гурмуҳи (Панжоб), эски форс миххатлари, тамил ёзувлари ва бошқалар.

Фонографик ёзув инсониятнинг ёзиш маданиятида эришган ютуқларининг барчасини ўзида жамлайди ва ушбу график системанинг моҳиятида тил товушларини юқори ифодалашға интилиш ётади. Бу ёзув ўрганиш ва ўргатишға қулайлиги, асосий нашриёт, ахборот ва информацион технологиялари шу ёзув типини ишлатувчи тиллар воситасида яратилгани туфайли бугунги кунда халқаро жамоатчилик тарафидан «энг қулай» ёзув сифатида қабул қилинади. Бу психологик таассурот, албатта, бу ёзувлар тизимида ҳам жуда эски илдизларға эға муаммолар борлигини инкор этмайди.

Фонографик ёзув намуналари: лотин-роман, яхуди, Турк-Рун, халқаро фонетик алфавит (ИПА), кирилл, Авесто, мўғул, юнон, арман ва бошқа ёзувлар.

Ёзув маънавий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, цивилизациянинг илк ўчоқларидан бири

бўлмиш Марказий Осиё халқлари қадимдан ўз ёзув маданиятларига эға бўлганлар [1;154 б.]. Улар ҳарф (товуш) ёзувининг энг қадимги шаклларида куйидагилардан фойдаланганлар:

1. **Оромий ёзуви** (мил.авв. III–I асрлар);
2. **Сўғд ёзуви** (I–VI асрлар);
3. **Хоразм ёзуви** (II–III асрлар)
4. **Ўрхун-Энасой ёзуви** (V–VIII асрлар)
5. **Уйғур ёзуви** (VI–VII аср бошлари, XII гача)
6. **Араб графикаси** (VII–VIII асрдан 1929 йилгача)

Қадимги ёзув турлари акс этган моддий ёдгорликлар орасида ёзма манбалар ҳам кўплаб учрайди. Ёзма ёдгорликларни қидириб топиш ва уларни ўқиш олимлар томонидан катта қизиқиш билан олиб бориладиган изланишлардан бири, десак муболаға бўлмайди. Ю.В.Кнорозовнинг «Письменность индейцев майя» [11] номли тадқиқотида хат ёзувларини, иероглиф, графема (бир маъноли сўзлар) ва аллографларни таҳлил қилган. Шунингдек, Ж.Хантер ва Н.В. Гуров [9], А.А.Молчанов, В.П.Нерознак, С.Я.Шарыпкинлар[3] ҳам бу борада тадқиқотлар олиб борганлар.

Юртимиз олимлари ҳам бу соҳа ривожида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар. Жумладан, XX асрда яшаб ижод этган жаҳид Исҳоқхонтўра Ибротнинг «Жомеъул-хутут» [5] (40 га яқин қадимги хат турлари ҳақида), араб графикасига оид А. Муродовнинг «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» [2], А.Муродовнинг «Хат ва хаттотон», Масъудали Ҳакимжоннинг «Хатти муъаллимий» [7] каби тадқиқотларини санаб ўтиш мумкин.

Шунингдек, қадимги хат турларига оид ёзма ёдгорликларни қидириб топиб, уларнинг алифбосини тузиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Республика-миз қўлёзма фондларида сақланаётган қадимги хат турларига бағишланган кўплаб асарлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида «Жомеъул-хутут», «Хат ва хаттотон», «Ажойибут-табақот» каби ўнлаб асарлар, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Манбалар хазинаси» фондида №50 рақам остида сақланаётган «Мажмуъатул-хутут» асари қадимги ёзув турлари, уларнинг тараққиёт босқичи ҳақида қимматли маълумотларни берадиган манбалардан саналади. Мазкур қўлёзманинг тадқиқи жараёнида бу турдаги бошқа асарлар орасида унинг нодирлиги аниқланди.

XX аср бошларида кўчирилган мазкур асар Маҳмуд Ғаззоний томонидан тарқим қилинган, яъни тузиб чиқилган. Асардан қадимги ёзув турларидан тортиб, ўрта аср ёзувлари, ҳатто уларнинг тараққий этган шакллари кўрсатилган 60 дан ортиқ алифбоси, хат турлари ўрин олган. Жумладан, Одам (а.с.) давридаги «**Сарбони**» ёзуви (эрамиздан авв. 3760 йил), Шис (а.с.) давридаги «**Сулёний**», «**Салбобий**» (эрамиздан авв. 3670 йил) каби кўплаб пайғамбарлар алифболари, геокосмографик асарларда учрайдиган турли хил ёзув турлари, аниқ фанлардан кимё фанида қўлланиладиган махсус ёзув турларидан – «**Бақлатил**», «**Симёи сағир**», «**Симё ва кимё**» каби хат турлари бор. Тадқиқот жараёнида қадимги хат турларига бағишлаб ёзилган асарлар ҳамда ёзма ёдгорликларда №50 рақамли қўлёзмадаги хат турларининг аксарияти акс этмагани аниқланди. Жумладан, И.Фридрихнинг «История письма» [6], Мулло Ҳошим Бағдодийнинг «Хатти

арабий», «Атласи хат», «Хатти арабий» каби асар ва атласлари, Д.А.Клеменц (1848–1914) ва унинг хотини Елизавета Клеменцлар томонидан очилган ва В.В.Радлов (1899), В.Томсен (1922), Х.Шедер (1924), Д.Росс (1930) ҳамда Г.Айдаров (1971) томонидан ўрганилган 712–716 йиллари ёзилган Тўн-юкүк битиги ёзуви, эрамиздан аввалги XVIII асрга оид миххатда ёзилган Хамураппи қонунлари, Эрон шоҳи Доро I (э.авв. 521–486 йй) буйруғига биноан яратилган қадимги форс ёзуви – бўғинли миххат, иератик ёзув (э.авв. VII аср), шунингдек, копт, деванагар, орий, каннада, сингаль, тибет, лаос, тай, хитой, мўғул, черок, кри, демот каби юздан ортиқ ёзув турларида [12] айрим ёзув турлари бор, холос.

Қадимги ёзувларни тадқиқ этиш жараёнида ёзув турларида айрим ҳарфларнинг бошқа хат турлари билан бир хил, шунинг билан биргаликда тафовутли ҳолатларини кузатиш мумкин:

«Х» ҳарфи				
Алифболардаги ўхшашлик			Алифболардаги тафовут	
Ёзув номлари	Ҳарфлар, белгилар	Ўқилиши	Ҳарфлар, белгилар	Ўқилиши
Қалами юноний – Исҳоқ а.с.			X	
Қалами Яъфурий (Яъқуб а.с. даври)			X	n
Қалами Румий. Исо а.с. даври			X	hi
Қалами армаюсий. Дониёл а.с.			X	k
Қалами Жаъфарийда			X	h
Қалами китоб тасъид зарних ва кибриятда			X	la
Қалам кутуби руҳониятда			X	y
Қаламул-асрор	X	a	X	a
Қалами Баҳромий			X	r
Умумий олмон руни			X	g
Қадимги грек алифболаридан Афина, милет, коринф алифболари			X	kh
Скандинавия рун (янги) алифбоси (IX–XI аср)	X	a, ap, x	X	a, ap, x
Даль руни	X	a	X	
Огамий			X	co
Гот ёзуви			X	ch
Ван-чжао ёзуви				hsi, ko
Мосо белгили ёзув				«кўча»
Рет	X	t		
Лепонт	X	t		
Копт	X	t		
Қадимги брахма	X	t		
Бар-Хадад ёзуви	X	t		
Лихян ёзуви	X	t		
Самуд ёзуви	X	t		
Сафид ёзуви	X	t		
Эфиоп ёзуви	X	t		
Нумид ёзуви	X	t		

Шунингдек, ушбу ҳарф дунёнинг турли ўлкаларидаги қадимги ёзув алифболарида, ёзма ёдгорликларда учрайди. Эрамиздан аввалги III минг йиллик охири II минг йиллик бошларида Шимолий Финикиянинг Библ шаҳридан топилган ўнта ёзма ёдгорликда [8], Синай тоғларининг мис ва малахит (яшил рангли тош) конларидан топилган ёзма ёдгорликларда² қадимги Самуд, жанубий Арабистон

ва синай ёзувларида, финикия ёзувларидан бўлган эрамиздан аввалги XIII асрда Библ ҳукмдори Ахирам даврида ва эр.авв. XII асрда ҳукмдорлик қилган Йехимилк давларидаги ёзув турларида, қадимги сомиий ёзувида, эр.авв. III асрда Марселдан топилган пун тахталарида, эр.авв. IX асрга мансуб қадимги оромий ёзувларидан Бар-Хадад ёзувида, эр.авв. 139 йилга мансуб нумид қабртошидаги массин ёзувида учратиш мумкин.

² Синай тоғларидан 50 га яқин ёзма ёдгорлик топилган бўлиб, илк бор 1904–1905 йилларда инглиз археологи Ф.Питри томонидан 16 та ёзма ёдгорлик топилган. Бу топилмалар эрамиздан аввалги 1500 йилга тегишли. Қолган ёдгорликлар эса 1927–1935 йиллар оралиғида топилган.

𐤀 ҳарфи				
Алифболардаги ўхшашлик			Алифболардаги тафовут	
Ёзув номлари	Ҳарфлар, белгилар	Ўқилиши	Ҳарфлар, белгилар	Ўқилиши
Қалами табиий			𐤀	sa
Библ			𐤀	n
Финикия алифболаридан: (Ахирам э.авв. XIII аср, Йехимилк э.авв. XII аср, Меша э.авв. IX аср)			𐤀	hi
Пун (эр.авв. V–III аср)			𐤀	k
Қадимги сомиий	𐤀	h		
Табнита ёзувида	𐤀	h		
Сомирий ёзуви (қадимги яҳудий IV–VI асрлар)	𐤀	h		
Қадимги грек алифбо	𐤀	h		
Оромий	𐤀	h		
Рет (больцано, магре ва сондрио) алифболари	𐤀	e		
Лепонт	𐤀	e		
Венет	𐤀	e		
Этрус	𐤀	e		
Новилара	𐤀	e		
Италия алифболаридан умбр	𐤀	e		
Фалиск	𐤀	e		
Қадимги лотин алифбоси	𐤀	e		

Ушбу ҳарф иштирок этган ёзма ёдгорликларни Қуддус яқинидаги Силоам ер ости йўлидан э.авв. VIII асрга мансуб ёзувда, библ ва финикия қадимий алифболарида, Сидон шаҳридаги эр.авв. III асрларга мансуб Табнита ёзувида, IV–VI асрлардаги сомирий ёзувида (қадимги яҳудий), Занжирлидан топилаган Бар-Ракиб (э.авв. VIII аср), киламув (IX) ёзувлари, Библдаги ахирам (э.авв. 1000 йил), Йехимильк (э.авв. X аср), Йехавмилък (э.авв. V–IV), Карфагендаги пун ёзувлари (э.авв. III аср), янги пун ёзувларидан Хадрамавт ёзуви (э.авв. II–I асрлар), Бар-Хаддадаги қадимги оромий (э.авв. IX аср), Хаматдаги закир (э.авв. 800 йил), қабртошдаги пун ёзувида (э.авв. 139 йил), Афинадан топилаган дипилон маданиятига оид идишлардаги қадимги грек ёзувида (э.авв. VIII аср) учратиш мумкин.

Манбалар хазинаси фондида сақланаётган №50 рақамли қўлёзмадаги айрим ҳарфлар дунёнинг турли ҳудудларида топилаган ёзма ёдгорликларда учрайди. У ёдгорликларнинг аксарияти фанга номаълум ёзув турларига мансуб бўлиб, келажакда фондимизда сақланаётган кўплаб ёзув турлари орқали уларни ўқиш имконияти яратилади³.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси фондида сақланаётган «Мажмуъ-ату-хутут» асари келажакда алоҳида тадқиқотларни талаб қиладиган манба саналади. Тарихчи, археологлар учун эса муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abulqosimiy Muhsin. Tarixi zaboni forsiy. 1373. – B. 154.
2. A.Murodov. O'rta Osiyo xattotlik san'ati tarixidan. – T.: Fan, 1971.
3. A.A.Molchanov, V.P.Neroznak, S.YA.Sharipkin. Pamyatniki drevneyshey grecheskoy pis'mennosti (vvedenie v mikenologiyu). – M.: 1988.
4. De Francis, John The Chinese Language: Fact and Fantasy. – University of Hawaii Press, 1984. – ISBN 0-8248-1068-6.; Hannas, William C. Asia's Orthographic Dilemma. – University of Hawaii Press, 1997. – ISBN 0-8248-1892-X; Hoffman, Joel M. In the Beginning: A Short History of the Hebrew Language. – NYU Press, 2004. – ISBN 0-8147-3690-4- Chapter 3.

³ М: Қалами Яъфурийда “g”, қалами китоби симё сағирда “Y” ҳарфини билдирадиган ҳарф Анадўлидан топилаган белгили ёзувларда ҳамда Урук шаҳридан топилаган ёзма ёдгорликда учрайди.

5. Is'hoqxon to'ra Ibrat. Jome'ul-xutut. O'zRFA SHI, Asosiy fond. Toshbosma. №№ 621, 622, 14341, 15233.

6. I.Fridrix. Istoriya pis'ma. – M.: Nauka, 1979.

7. Mas'udali Hakimjon. Xatti mu'allimiy. – T.: Mehnat, 1991.

8. M.Dunand. Byblia Grammata. Beyrouth, 1945. – B. 71-185.

9. N.V. Gurov. Soobshenie ob issledovanii protoindiyskix tekstov. I. – M.: 1972.

10. Pocket Oxford Dictionary. Walton Street, Oxford, OX2 6DP: Oxford University Press, March 1994.

11. YU.V.Knorozov. Pis'mennost' indeytsev mayya. – M.: 1963.

12. www.zhelezyaka.com.

